

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЗНЕС-ОМБУДСМАН ВАЗИФАЛАРИ ТАҲЛИЛИ, ҲАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТДА ОМБУДСМАН ИНСТИТУТИ ТУЗИЛМАСИ

Жасурбек Жахонгир ўғли Муҳаммаджонов

“Қўқон университети” НОТМ Иқтисодиёт ва таълим факултети декан муовини

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада фуқароларнинг ҳамда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми ва унда Президент ҳузуридаги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (бизнес-омбудсман)нинг вазифалари, ваколат доирасига кирувчи ҳуқуқлари ва фаолият тизими ҳақида фикр юритилади. Ҳозирги кунда ҳар қандай давлатда иқтисодий соҳада олиб борилаётган ўзгаришлар, ислоҳотлар шу соҳада фаолият юритувчи фуқаролар, юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқларининг тизимли ҳимояси билан таъминланиши лозимлигини тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан инсон ва фуқароларнинг иқтисодий соҳадаги ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизими янада мукаммаллаштириши, тизимдаги муаммоларга ҳаққоний, адолатли ва қонуний ечим берилишини талаб қилади. Айнан шу масалаларнинг таҳлили ва соҳадаги муаммоларга ечим бериш, тартибга солиш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш ҳамда ҳимоя қилиш функциялари давлатнинг миллий ҳуқуқий институтлари тизимида бизнес-омбудсман миллий институти томонидан амалга оширилиши белгиланган. Ушбу институтнинг устувор вазифалари ва унга берилган ҳуқуқлар билан танишиб чиқиш бу институтнинг фаолиятини яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Шунингдек, мақолада омбудсман институтининг Европа давлатларидаги фаолият доираси, тузилмаси, Қозоғистон бизнес омбудсмани, Россия Федератсияси Бизнес омбудсманининг вазифалари ҳақида тўхталиб ўтилади.

Калит сўзлар: инсон ҳуқуқлари, миллий механизм, омбудсман институти, иқтисодий ҳуқуқлар, тадбиркорлар ҳуқуқлари, бизнес омбудсман, Ўзбекистон бизнес омбудсмани, Россия бизнес-омбудсмани, Қозоғистон бизнес-омбудсмани, Еропада омбудсман институти, Осиё Омбудсманлар Ассотсиатсияси.

КИРИШ

Жадал ривожланаётган жаҳондаги халқаро иқтисодий жараёнлар ва ўзгаришлар ҳар бир давлатнинг миллий



ҳуқуқий тизимларида инсон ва фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти, ишбилармонлар ва мулк эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг кафолатлари ва бу ҳуқуқларни таъминлаш масалаларини кун тартибига олиб чиқмоқда. Инсон ва фуқароларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Иқтисодиётда бозор муносабатларига асосланган очиқ ҳуқуқий сиёсат жараёнида инсоннинг иқтисодий соҳадаги юридик имкониятларини белгиловчи конституциявий ҳуқуқлар, қонуности ҳужжатларида белгиланган эркинликлар, яратилаётган шарт-шароитлар ва бу соҳадаги қарор ва фармойишлар ижросини таъминлаш, назорат қилиш учун давлат органлари Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий механизми тизимида бир қатор миллий-ҳуқуқий институтлар фаолият юритади. 1996-йил 31-октябрда ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 1997-йил 24-апрелда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), 2017-йил 29-августда ташкил этилган Президент ҳузуридаги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (бизнес-омбудсмен), сингари миллий ҳуқуқий институтлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий механизми таркибида Ўзбекистон Республикасининг Суд органлари, Ўзбекистон Республикасининг прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикасининг адлия тизими, адвокатура институти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхоналари алоҳида ўрин тутаяди.

Шу ўринда, Алоҳида таъкидлаш жоизки, охириги 5 йилликда давлатимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди ва бу борада бир қатор муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, 2017-йил 29-августда қабул қилинган қонунга асосан ташкил этилган Президент ҳузуридаги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (бизнес-омбудсмен)нинг фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтиш даркор.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Қонунида алоҳида белгиланишича, Фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ҳуқуқлари бузлишини олдини олиш, бузилган ҳуқуқларнинг тикланишини таъминлаш ва уларнинг кафолатлари масалаларида ушбу миллий-ҳуқуқий институтнинг устувор вазифалари этиб қуйида келтирилган вазифалар санаб ўтилади:



1) тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

Ушбу вазифанинг шарҳига тўхталсак, бизнес-омбудсман ваколати жиҳатидан ҳукумат таркибида фаолият юритувчи иқтисодий сиёсат соҳасига тааллуқли давлат органлари билан бир қаторга қўйилмоқда яъниким, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш дейилганда бевосита Қонунчилик палатасининг қўмиталарига тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича қонунчилик соҳасида кўриб чиқилиши ва жорий этилиши юзасидан амалий таклифлар ва лойиҳалар киритиши ҳуқуқи берилмоқда.

Кейинг устувор вазифа эса:

2) давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

Бугунги кунда инсон ва фуқаролар, тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига давлат органлари томонидан турли хил тўсқинликлар ёхуд сансоларликларга йўл қўйилиши ҳолатлари учраб турибди. Ушбу ҳолатларда тадбиркорнинг қонуний манфаатларига риоя этилиши, уларга нерилгамн имкониятлардан тўлиқ фойдаланилаётганини текшириш асносида бизнес омбудсманга тадбиркорлик суб'ектларининг фаолияти текширувларини о'тказишнинг қонунийлиги мониторингини амалга ошириш, тадбиркорлик суб'ектларининг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиб фактларининг олдини олиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ко'риш бо'йича таклифлар киритиш ҳуқуқи берилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бо'йича вакил тадбиркорлик субъектларининг о'з ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берган шикоятларини ко'риб чиқади. Ушбу шикоятлар ва аризалар билна ишлашда бизнес омбудсман ўзига берилган ваколат доирасида куйидагича ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин. Жумладан,

- кўрилаётган муаммони унинг хусусиятидан келиб чиқиб ечим бериш,

- шикоят қилувчига унинг ҳуқуқлари бузлиши жиҳатидан фойдаланиши мумкин бўлган усуллар ва воситалар ҳақида кўрсатмаларни етказиш,

- кўриб чиқиладиган шикоятни қонуний тартибда ҳал қилиш ва ижросни таъминлаш юзасидан ваколатли турувчи органларга юбориш ва ижроси юзасидан мониторинг олиб боориш ва ҳисоботлар олиш,

- келтирилган шикоятни асослангирган ҳолда рад жавобларини бериш каби ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолатда бизнес омбудсман Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишига доир қонун ҳужжатларининг бузилишига ёл қо'йилмаслиги то'ғ'рисидаги давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларига ёзма равишда Огоҳлантириш эълон қилиши, Огоҳлантириш то'ғ'рисида юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга хабар қилиниши мумкинлиги тўғ'рисида Қонуннинг 9-моддасида белгиланади.

Қонуннинг 10-моддасида белгиланишича, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишига доир қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш то'ғ'рисидаги давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш юзасидан ваколат берилган раҳбарларига Такдимнома киритиши; Такдимнома киритилгандан сўнг такдимнома киритилган давлат орган уни кечиктирмай ко'риб чиқиши лозим. Ко'рилган чора-тадбирлар то'ғ'рисида бизнес омбудсманга, агар бошқа муддат белгиланмаган бо'лса, 15 кундан кечиктирмай ёзма равишда хабар қилиниши лозим.

Қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузган давлат органи ёки бошқа ташкилотга, унинг мансабдор шахсига хулоса юборилиши;

Бизнес омбудсман томонидан берилган Хулосада қуйидаги тавсиялар назарда тутилиши мумкин:

- ишнинг давлат органи ёки бошқа ташкилот ёхуд мансабдор шахс томонидан ниҳоясига етказилиши зарурлиги;

- давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ёхуд мансабдор шахснинг қарори о'згартирилиши ёхуд бекор қилиниши кераклиги;

- давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ёхуд мансабдор шахснинг қарорини асослантириш зарурлиги;

- давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ёхуд мансабдор шахснинг қо'шимча қарор қабул қилиши кераклиги.

Кейинг ўриндаги вазифа

3) тадбиркорлик суб'эктлари фаолиятининг текширувларини мувофиқлаштиришни ҳамда назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик суб'эктлари фаолияти текширувлари ўтказилишининг қонунийлиги устидан назоратни амалга ошириш;

Ушбу вазифаларнинг ижроси юзасидан бизнес омбудсманга бериладиган ваколатлар доирасида тадбиркорлик суб'эктларининг манфаатларини кўзлаб аризалар, да'волар ва шикоятлар билан судларга давлат божи тўламасдан мурожаат этиш ҳуқуқи берилмоқда. Бунда ҳуқуқлари ҳимоя қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс судларга мурожаат қилишда Бизнес-омбудсман орқали мурожаат қилганда давлат божи олинмаслиги белгиланмоқда. Бошқа ҳолатларда фуқаролар ва тадбиркорлар судга мурожаат қилишда кўрилатган ишнинг кўлами жиҳатидан судга давлат божи тўлашларига тўғри келади.

Бундан ташқари Қонунда белгиланишича, қуйидаги ҳуқуқлар ҳам бевосита Бизнес-омбудсман ваколати доирасидаги ҳуқуқлар сирасига кириши қатъий белгилаб қўйилади.

- Давлат органлари ва ташкилотлардан ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан статистик, таҳлилий материалларни, хулосаларни ва бошқа ахборотни сўраш ҳамда олиш;

- давлат органларининг тадбиркорлик суб'эктларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ мажлисларида иштирок этиш;

- зарур бўлган ҳолларда, ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун давлат органларининг, илмий муассасаларнинг ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларини жалб этиш, ишчи гуруҳлар тузиш;

- тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинаётган, айбланаётган ва ҳукм қилинган тадбиркорлик суб'эктлари вакиллари билан учрашиш учун қамоқда сақлаш жойларига, жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш;

- ма'мурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари юзасидан ма'мурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг таъминлаш бўйича яқин кўшниларимизга мурожаат қилсак, инсон ва фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ҳимояси бўйича МДҲ давлатлари ичида бизнес-омбудсман институти Россия Федератсиясида 2013 йил 7 майда тасдиқланган "Россия Федератсиясида бизнес-

омбудсман тўғрисида" Федерал қонуни асосида федерал ва минтақавий даражадаги омбудсман фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

Ушбу қонунга кўра Россия Бизнес-омбудсманига қуйидагича вазифалар юклатилади:

- Россия Федератсияси ҳудудидаги хорижий тадбиркорлик субъектлари ва хорижий давлатлар ҳудудидаги Россия тадбиркорлик субъектларининг муурожаатлари билан ишлаш

- тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган давлат институтларини ривожлантириш.

- мувофиқлигини назорат қилиш

- федерал ижро этувчи ҳокимият органлари, Россия Федератсиясининг таъсис субъектларининг ижро этувчи ҳокимиятлари, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қилиш.

- тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш.

- ишбилармон доиралар билан ўзаро ҳамкорлик.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шу ўринда 2021 йил 13 декабр куни Россия Федератсияси Бизнес-омбудсмани Борис Титов ва Ўзбекистон Республикаси Бизнес-омбудсмани Дилмурод Қосимов иштирокида учрашув ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Аввалроқ, Бошқирдистон Республикасида 2019 йил 25 сентябр куни ўтказилган В-тантанали “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва БРИКСга а’зо давлатлар кичик ва ўрта бизнес форуми” доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бизнес-омбудсман Дилмурод Қосимов ҳамда Россия Федератсияси Президенти ҳузуридаги Бизнес-омбудсман Борис Титов ўртасида тадбиркорлик суб’ектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган ва бу соҳада Россия Федератсияси билан ҳамкорлик масалаларида келишиб олинган эди.

Қозоғистон Республикасида Президентнинг 2014-йил 27-февралдаги “Қозоғистон Республикасида ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича кескин чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида мувофиқ ҳукуматга Бизнес-омбудсман институтини ташкил этиш орқали Миллий тадбиркорлар палатасининг ролини кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди.

2014 йил 29 декабрда "Қозоғистон Миллий тадбиркорлар палатаси тўғрисида"ги Қонунга бизнес-омбудсманнинг ҳуқуқий мақоми, функциялари, тайинлаш тартиби ва вазифалари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш бўйича нормалар билан ўзгартишлар киритилди.

Қозоғистон Республикасида Тадбиркорлик кодекси 2016-йил 1-январдан кучга кирди, унинг 28-бобида Бизнес-омбудсманнинг ҳуқуқий мақоми батафсил очиқ берилган.

Ушбу кодекснинг 28-боб, 1-банд, 309-моддасида белгиланишича Бизнес омбудсманга қуйидагича вазифалар юклатилади:

1) Қозоғистон Республикасининг давлат органлари ва бошқа ташкилотларида, шунингдек халқаро ташкилотларда ва хорижий давлатларда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалайди, таъминлайди, ҳимоя қилади;

2) тадбиркорлик субъектларининг аризаларини кўриб чиқади;

3) давлат органларига тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тавсиялар, шунингдек, қонунга боғлиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш бўйича тавсиялар киритади;

3-1) тадбиркорлик фаолияти бўйича ваколатли органга ушбу Кодекс 82-моддасининг 3-бандига мувофиқ амалдаги норматив ҳужжатларни ва (ёки) талабларни бекор қилиш ёки тадбиркорлик субъектларининг шикоятлари бўйича уларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритади;

4) ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузган давлат органларига (мансабдор шахсларига) бузилган ҳуқуқларни тиклаш чораларини кўриш, шу жумладан ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича тавсиялар юборади;

5) давлат органларининг фикри билан норози бўлган тақдирда, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида прокуратура органларига илтимоснома юборади;

6) тадбиркорларнинг ҳуқуқлари мунтазам равишда бузилган тақдирда ва уларни давлат органлари даражасида ҳал қилишнинг иложи бўлмаса, Қозоғистон Республикаси Президентининг кўриб чиқишига ариза билан мурожаат қилади;

7) давлат органларидан (мансабдор шахслардан) тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахлдор бўлган маълумотлар, ҳужжатлар ва материалларни сўраш, (давлат,

тижорат, банк ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ташкил этувчи маълумотлар бундан мустасно);

8) Қозоғистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга даъво (шикоят) билан муурожаат қилиш;

9) тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклашга қаратилган бошқа ҳуқуқий чораларни қўллаиди.

Инсон ва фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида жаҳон тажрибаси, бугунги кундаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар миллий ҳуқуқий тизимига муурожаат қиладиган бўлсак, биринчи навбатда Европа давлатларида бундай миллий институтларнинг тизимлашган структуравий инфратузилмасига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Жумладан, Европа иттифоқига аъзо давлатларда Омбудсман институти қуйидагича вазифаларда ва қўламларда иш жараёнини олиб боради.

Белгия қироллигида “давлат сектори омбудсманлари” федерал ва минтақавий даражада фаолият юритади.

Болгария Республикасида “Болгария Миллий Омбудсмани” фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат ва мунитсипал ҳокимият органлари ва уларнинг маъмуриятлари, шунингдек давлат хизматларини кўрсатиш учун тайинланган шахсларнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли бузилган тақдирда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эга.

Чехия Республикасида “Ҳуқуқларнинг жамоат ҳимоячиси” давлат даражасида маъмурий органларга ва маълум ҳолатларда маҳаллий даражадаги маъмурий органларга нисбатан шикоятларни текширади.

Германия Федератив Республикасида “давлат сектори омбудсманлари” ўн олти минтақанинг тўрттасида мавжуд. Федерал даражадаги аризалар бўйича қўмита, шунингдек, ўн олти минтақанинг ҳар бирида минтақавий аризалар бўйича қўмиталар мавжуд.

Франсияда “Франсия ҳуқуқ ҳимоячиси” мустақил маъмурий органдир. Муассаса Франсия Омбудсмани, Болалар Омбудсмани ва Тенглик ва дискриминатсияга қарши орган, шунингдек, Хавфсизлик этикаси бўйича миллий комиссия ваколатларини бирлаштиради. Ҳуқуқлар ҳимоячисининг ташкил этилиши ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун ягона орган масъул эканлигини англатади.

Юқоридаги барча омбудсманлар фаолияти Ягона Европа омбудсманлар тармоғи томонидан мувофиқлаштирилади. Омбудсманларнинг Европа тармоғи

Европанинг 36 мамлакатидан 95 дан ортиқ идоралардан иборат бўлиб, улар орасида миллий ва минтақавий омбудсманлар ва шунга ўхшаш органлар, шунингдек, Европа Омбудсмани ва Европа Парламентининг аризалар бўйича қўмитаси киради.

Америка Қўшма Штатларида омбудсман институтининг ҳар хил турлари ташкил этилди. Хусусан, ижро этувчи, махсус, шаҳар, минтақавий омбудсманлар 1969-йилда Гавайи оролларида, 1971-йилда Небраскада, 1972-йилда Аёва штатида, 1975-йилда Аляскада фаолият юрита бошлади.

Шундай қилиб бутун дунёда омбудсман институти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида алоҳида институт сифатида шаклланди. Дунё бўйича омбудсман институтининг ривожланиши инсон ҳуқуқини ҳимоя қилувчи миллий институтлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга ҳуқуқий ва техник ёрдам кўрсатиш халқаро ва минтақавий омбудсманлар тузиш заруриятини келтириб чиқарди. Шунинг учун 1978-йилда Халқаро омбудсман институти ташкил этилди.

Осиё Омбудсманлар Ассотсиатсияси халқаро минтақавий ташкилот бўлиб, у 1996-йилда ташкил этилган. Унинг қароргоҳи Исломобод шаҳрида жойлашган бўлиб, унга Осиё, Океания ва Австралия минтақаларининг 15 та мамлакатидан 23 та омбудсман аъзо ҳисобланади. Ўзбекистон ушбу ташкилотга 2009-йилда аъзо бўлиб кирган. Унинг асосий вазифаси Осиёда омбудсман институтини ривожлантиришга қаратилган.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак инсон ва фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ва эркинликлари, уларнинг таъминланиши ва кафолатчиси сифатида омбудсман институти халқаро ҳамда миллий даражаларда ўтган асрнинг биринчи чорагидан то ҳозирги кунгача бўлган муддат давомида тизимлашган ҳолатда ривожланиб келмоқда. Кейинги йилларда бола ҳуқуқлари, аёллар ҳуқуқлари соҳасида ҳам алоҳида омбудсманларни шакллантириш ва ривожлантириш бу тизимни янада мустаҳкам ҳолатга келтиради. Бундан кейинг даврларда Омбудсман институти халқаро ва миллий даражада инсоннинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳақиқий ҳимоячиси ҳамда таъминотчиси сифатида майдонга чиқади.

REFERENCES

1. Инсон ҳуқуқи / Масъул муҳаррир М.Х. Рустамбаев. – Т.: Юридик адабиётлар публиц, 2022, 95-96-бетлар.



2. <https://lex.uz/docs/-3321352>, O'RQ-440-son 29.08.2017. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakil to'g'risidagi Qonuni
3. https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/COSP/session6/SpecialEvents/2015_11_03_Dina_Krylova_Ombudsman_Office.pdf
4. <https://review.uz/uz/post/v-centre-ekonomicheskix-issledovaniy-i-reform-sostoyalas-vstrecha-s-biznes-ombudsmanom-rossiyskoy-federacii-borisom-titovm>
5. <https://biznesvakil.uz/uz/menu/Memorandum/>
6. https://ombudsmanbiz.kz/eng/biznes_ombudsmen/istoriya_instituta/
7. <https://adilet.zan.kz/kaz/docs/K1500000375#z2543>
8. https://ombudsmanbiz.kz/eng/biznes_ombudsmen/istoriya_instituta/
9. <https://www.ombudsman.europa.eu/en/european-network-of-ombudsmen/members/all-members//>

